

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎРОҚОВ СИРОЖИДДИН ХУДАЙБЕРДИЕВИЧ

**ЗАРАФШОН ВОДИЙСИ ШАРОИТИДА МАРЖУМАК
ҲОСИЛДОРЛИГИГА МАЪДАНЛИ ЎҒИТЛАР ТАЪСИРИНИНГ
ФИЗИОЛОГИК АСОСЛАРИ**

03.00.07-Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2021

**Биология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) по
биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of (DSc) on
biological sciences**

Ўроков Сирожиддин Худайбердиевич

Зарафшон водийси шароитида маржумак ҳосилдорлигига маъданли
ўғитлар таъсирининг физиологик асослари 3

Уроков Сирожиддин Худайбердиевич

Физиологические основы влияния минеральных удобрений на
урожайность гречихи в условиях Зерафшанской долины..... 29

Urokov Sirojiddin Xudayberdievich

Physiological basis of the impact of mineral fertilizers on the yield of
buckwheat in Zerafshan Valley 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 59

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎРОҚОВ СИРОЖИДДИН ХУДАЙБЕРДИЕВИЧ

**ЗАРАФШОН ВОДИЙСИ ШАРОИТИДА МАРЖУМАК
ҲОСИЛДОРЛИГИГА МАЪДАНЛИ ЎҒИТЛАР ТАЪСИРИНИНГ
ФИЗИОЛОГИК АСОСЛАРИ**

03.00.07-Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2018.2.DSc/B79 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси иши Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.genetika.uz) ва «Ziyonet» Ахборот–таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Хўжаев Жўракул Хўжаевич
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Давранов Кодиржон Сотволдиевич
биология фанлари доктори, профессор

Холлиев Аскар Эргашович
биология фанлари доктори, профессор

Хамдамов Искандар
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация химояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.В.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «11» ~~май~~ соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз а/б. Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.:(+99871) 264-23-90, факс: (+99871) 264-23-90; e-mail: igebr@academy.uz)

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (264 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз а/б. Тел.:(+99871) 264-23-90.

Диссертация автореферати 2021 йил «26» ~~апрел~~ куни тарқатилди.
(2021 йил «26» ~~апрел~~ № 37 рақамли реестр баённомаси).



И.Дж.Курбанбаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д.

Б.Х.Аманов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д.

С.М.Набиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
катта илмий ходим

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда маржумак ва ундан олинадиган маҳсулотларга бўлган талабнинг ошиши, ўз навбатида уларни ишлаб чиқаришнинг ҳам жадал суръатлар билан ривожланишига сабаб бўлмоқда. Маржумак етиштириш бўйича 2018 йилда Россия (1524 минг т.), Хитой (1447 минг т.), Украина (180 минг т.), Франция (127 минг т.), Қозоғистон (120 минг т.), Польша (113 минг т.) каби давлатлар етакчилик қилиб, дунёда етиштирилаётган 3827 минг тонна маҳсулотнинг 91,7%и ушбу давлатлар ҳиссасига тўғри келади¹. Сўнгги 5 йилда маржумак экспорти йилига 173 минг тоннани ташкил этиб, бу борада Хитой ва АҚШ асосий экспорт қилувчи давлатлар ҳисобланиб, уларнинг улуши 89%ни ташкил этади. Маржумак импорт қилувчи етакчи давлатлар Япония (47%), Франция (9%), Италия (6%) ҳисобланиб, бошқа мамлакатларнинг улуши 38%ни ташкил этади². Шундан келиб чиқиб, аҳоли талабларини қондириш мақсадида жаҳон ҳамжамияти томонидан маржумак етиштиришни янада ривожлантириш чоралари кидирилмоқда.

Дунёда қишлоқ хўжалиги ривожланган, маржумак етиштирувчи йирик мамлакатларда унинг морфо-биологик ва физиологик хусусиятлари асосида турли экстремал шароитларга мослашган навларини яратиш бўйича кенг камровли тадқиқотлар ўтказилмоқда. Бу борада яратилаётган навларнинг уруғчилигини йўлга қўйиш, физиологик фаол моддалардан самарали фойдаланишда маржумак уруғларини экиш олдида ва ўсимликни ўсув даврларида ишлов бериш, ўсимликларни илдизи ва барги орқали озиклантириш, касаллик ва зараркунандаларга бардошлигини ошириш, юқори ва сифатли ҳосил етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишларга эътибор берилмоқда.

Республикамиз шароитида бошқоқли дон экинлари ҳосили йиғиштирилгандан сўнг, кузги совуққача бўлган вақт оралиғида вегетация даври қисқа дуккакли-дон экинлари билан бир каторда маржумак етиштириш борасида ҳам кенг камровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонида «...қишлоқ ва сув хўжалигини илм-фан ютуқларини жорий этиш асосида ривожлантириш, унинг экспорт салоҳияти самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш»³ муҳим вазифалардан бири этиб белгилаб берилган. Бу борада яратилган ҳар бир навнинг физиологик ва биологик хусусиятларини чуқур таҳлил қилиш асосида муайян тупроқ-иқлим шароитида улардан юқори ва сифатли ҳосил олиш, маъданли ўғитларни

¹<http://faostat.fao.org/site>

²<http://id-marketing.ru/goods/rinok-grechki>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

тежаш, етиштириш технологиясини такомиллаштириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулот етиштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 мартдаги 259-сон «2019 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш ва маҳсулот етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқотлари республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴. Дунё аҳолисининг парҳез озиқ-овқат маҳсулотларидан бири бўлган маржумак ёрмасига бўлган талабини қондириш ҳамда экинларнинг ҳосилдорлиги ва сифатини оширишда навларнинг физиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Department of Agriculture (USDA), The University of Texas School of Law (АҚШ), University of Cordoba (Испания), SCPA; ITCF; EDP Sciences (Франция), Herbert Publication Limited; Inderscience Enterprises Ltd (Англия), Physiological and Pharmacological Society (Германия), Agricultural Academy of Bulgaria (Болгария), Chinese Cotton Research Institute (Хитой), Indian Central Institute for Cotton Research (Ҳиндистон), Тошкент давлат аграр университети, Самарқанд давлат университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Маржумак ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини янада яхшилаш, етиштириш технологиясини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ўсимликдаги мураккаб физиологик-биокимёвий жараёнларга етиштириш технологияси элементларининг таъсири аниқланган (University of Cordoba (Испания), SCPA; ITCF; EDP Sciences (Франция); маржумакнинг маъданли ўғитларга муносабати асосида уларни қўллаш технологияси ва мақбул меъёрлари ҳамда муддатлари ишлаб чиқилган (Chinese Cotton Research Institute (Хитой), Indian Central Institute for Cotton Research (Ҳиндистон), маржумакни ўсув даврида суғориш технологияси такомиллаштирилган (The University of Texas School of Law (АҚШ); мазкур технологиялар қўлланилиши ҳисобига маржумак ҳосилдорлигини ошириши ва сифатини яхшилаши

⁴Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.usda.gov>; <http://www.caas.cn/en>; <http://www.iwmi.cgiar.org>; <http://www.en.wikipedia.org>; <http://www.dpi.nsw.gov.au>; <http://www.iari.res.in>; <http://www.cicr.org.in>; <http://www.altillo.com>; <http://www.icimod.org>; <http://www.global.oup.com>; <http://www.when.com>; <http://www.iung.pulawy.pl>

исботланган (Chinese Cotton Research Institute (Хитой), Indian Central Institute for Cotton Research (Ҳиндистон)).

Дунё миқёсида маржумак ўсимлигини етиштириш, юқори ва сифатли ҳосил олиш агротехнологияларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда: жумладан, муайян тупроқ-иқлим шароити учун мос ва тезпишар навларни яратиш; физиологик хусусиятлари асосида сув ва ўғитларга талабини илмий асослаш; экологик тоза, сифатли, арзон ва юқори ҳосил олишни таъминловчи ресурстежамкор агротехнологияларни ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш; маржумакнинг асали, дориворлиги ҳамда турли парҳез озик-овқат тайёрлашда ишлатилиши, косметика соҳасидаги муаммоларга қаратилган илмий ечимларни ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўсимликлар физиологияси ва биокимёсига оид тадқиқотлар хорижлик олимлар J.M.Anderson, R.Agora, Y.M.Wei, I.Kreft, V.J.Cawoy, O.Ohnishi, W.Zhang, К.А.Савицкий, Ю.П.Каргальцев, А.Н.Фесенко, В.М.Важов ҳамда Республикамиз олимлари А.И.Имомалиев, М.Н.Валиханов, Ж.Х.Хўжаев, К.Сафаров, Қ.С.Давранов, Р.К.Шадманов, И.Г.Ахмеджанов, Р.М.Усмоновлар томонидан ўрганилган, маржумак етиштириш технологияси, унинг физиологик, биокимёвий хусусиятларига оид илк тадқиқотлар республикамиз шароитида А.Дадабоев, Ҳ.Сайдалиевлар томонидан тадқиқ қилинган.

Кейинги йилларда республикамизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида Ҳ.Атабаева, М.Толипов, Б.Азизов, И.Исраилов, Б.Исроилов, З.Жўраева ва бошқалар томонидан маржумакнинг биологияси, етиштириш технологиясининг айрим элементлари – экиш муддатлари, усуллари, меъёри ва ўғитлаш масалалари юзасидан алоҳида-алоҳида тадқиқотлар амалга оширилган.

Таъкидлаш зарурки, бу илмий ишлар билан маржумакнинг биологияси, физиологик хусусиятларига тўла тавсиф берилмаган. Зарафшон водийси шароитида маржумак навларининг физиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига самарали таъсир этувчи маъданли ўғитларни қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш, экиш меъёрлари ва маъданли ўғитларнинг биргаликдаги таъсири, суғориш режими, қатор ораларига ишлов бериш, маржумак навларини ғалладан бўшаган ерларда такрорий экин сифатида етиштиришнинг комплекс агротехнологик тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-9-15 «Самарқанд вилоятининг бўз тупроқлари шароитида маржумак (гречиха) етиштириш агротехнологиясини яратиш ва амалиётга жорий этиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади такрорий экин сифатида етиштирилган маржумак навларининг ўсиши, ривожланиши, физиологияси ҳамда уруғларининг физиологик хусусиятлари ва биокимёвий таркибини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маржумак навларининг фотосинтетик кўрсаткичларига (барглар сатҳи, курук модданинг тўпланиши, пигментлар миқдори ва фотосинтезнинг соф маҳсулдорлиги) маъданли ўғит меъёрларининг таъсирини илмий асослаш;

маржумак навларининг сув алмашинув хусусиятларини (барглардаги сув миқдори, транспирация жадаллиги, сув танқислиги) тадқиқ этиш;

маржумакнинг ўсиши, ривожланиши ва биометрик кўрсаткичларининг маъданли ўғитларга боғлиқ ҳолда ўзгаришини илмий асослаш;

такрорий экин сифатида етиштирилган маржумак навлари ҳосилдорлиги, ёрма чикими ва биокимёвий таркибини аниқлаш;

маржумак уруғларининг физиологик хусусиятларини аниқлаш;

уруғлик чикими ва сифатига маъданли ўғитларнинг таъсирини аниқлаш;

Самарқанд вилояти шароитида етиштирилаётган маржумак навларининг физиологик кўрсаткичлари асосида етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маржумакнинг Самарқанд вилояти шароитида интродукция қилинган Қозон ва Крупинка навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети маржумак навларининг физиологик ва биокимёвий хусусиятлари ҳамда уларга маъданли ўғитларнинг таъсири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Фенологик кузатувлар (ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши, биометрик кўрсаткичлари), физиологик жараёнлар (баргдаги пигментлар, сув миқдори ва сув танқислиги, фотосинтез соф маҳсулдорлиги, транспирация жадаллиги), биокимёвий таҳлиллар (оксил, углеводлар, клетчатка ва мойнинг миқдори) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Зарафшон водийси шароитида маржумак навларининг фотосинтетик кўрсаткичлари (барг сатҳи, курук модда ва фотосинтез соф маҳсулдорлиги) маъданли ўғит меъёрлари таъсирида ўзгариши аниқланган;

маржумак барглари таркибидаги “а” ва “б” хлорофилл пигментлари, каротиноидларнинг ривожланиш фазалари бўйича ўзгариш динамикаси озиқа элементлари билан таъминланганлигига боғлиқлиги исботланган;

Зарафшон водийси шароитида маъданли ўғит меъёрлари таъсирида маржумак навлари баргларидаги сув миқдори, транспирация жадаллиги ва сув танқислиги нав хусусиятларига боғлиқ равишда ўзгариши исботланган;

илк бор такрорий экин сифатида етиштирилган маржумак навларининг ўсиши, ривожланиши ва маҳсулдорлик кўрсаткичлари маъданли ўғитларга боғлиқлиги физиологик жиҳатдан асосланган;

илк бор Зарафшон водийсининг суғориладиган ерларида такрорий экин сифатида етиштирилган маржумак навлари донларининг биокимёвий таркиби аниқланган;

маржумак уруғларининг физиологик хусусиятлари (уруғларнинг тиним даври, ҳаётчанлиги, униш қуввати ва унувчанлиги) аниқланган ҳамда етиштирилган ҳосилдан уруғлик чиқимини ошириш имконияти физиологик жиҳатдан асосланган;

Зарафшон водийси шароитида маржумак навларининг биологик, физиологик хусусиятлари асосида ҳосилдорликни ошириш, дон сифатини яхшилаш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Зарафшон водийси суғориладиган ерларида маржумакнинг тезпишар Қозон ва Крупинка навларини такрорий экин сифатида етиштириш самарали эканлиги исботланган;

такрорий экин сифатида етиштирилган маржумак навларининг физиологик кўрсаткичлари асосида юқори ҳосил шаклланишини таъминлайдиган маъданли ўғит меъёрлари аниқланган;

маржумак навлари уруғларининг физиологик хусусиятлари асосида сақлаш муддатлари аниқланиб, уруғлик мақсадларида фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

такрорий экин сифатида етиштиришга мос маржумак навларининг ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатини оширишда уруғларга экишдан олдин ҳамда ўсимликларнинг ўсув даврида ишлов бериш усуллари ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган тавсиялар фермер хўжаликларига жорий қилиниб, мамлакатимизда такрорий экин сифатида экиладиган маржумак навларининг ҳосилдорлигини ошириши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг аниқлиги уларнинг вариацион-статистик таҳлил қилиниши натижасида исботланганлиги, лаборатория, дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларининг апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, диссертация ишида қўлланилган услубларнинг тадқиқотларни бажаришга мослиги, олинган натижаларнинг республика ва хорижий олимлар тажрибалари билан таққосланганлиги ҳамда халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий ва республика илмий журналлари даврий нашрларда чоп этилганлиги, натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Зарафшон водийси шароитида такрорий экин сифатида етиштирилган маржумак навларининг фотосинтетик кўрсаткичлари, сув алмашинув хусусиятлари ва уруғларининг физиологик кўрсаткичлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Зарафшон водийси суғориладиган ерларида маржумакнинг такрорий экин сифатида етиштиришга мос Қозон ва Крупинка навларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш имкони билан белгиланади. Навларнинг биологик хусусиятлари асосида маъданли ўғитларни Қозон нави учун $N_{120}P_{90}K_{60}$, Крупинка нави учун $N_{150}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёردа қўллаш тавсия этилган. Тавсияларни амалиётга жорий этиш такрорий экин сифатида маржумак етиштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Зарафшон водийси шароитида маржумакни такрорий экин сифатида етиштириш ва ўғитлар таъсирининг физиологик асослари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маржумак навлари уруғларининг физиологик хусусиятлари (тиним даври, сақлаш муддатлари, экиш чуқурлиги, униш қуввати ва унувчанлиги, униб чиқиш учун зарур бўлган оптимал ҳарорат) аниқланиб, 5,0–7,0 см чуқурликда экиш технологияси Самарқанд вилояти Иштихон тумани «Зарбанд Агро стар», «Шахриддин нурли замин» фермер хўжаликларида, жами 7,8 гектар майдонда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 25 ноябрдаги 02/021-3855-сон маълумотномаси). Натижада, 2 йилда ўртача 19,3–19,8 ц/га дон ҳосили олинди, фермер хўжаликлари рентабеллиги 22,1–24,7% ортишига хизмат қилган;

маржумак уруғларига Раксил препарати билан (2 кг/т) кимёвий ишлов бериш технологияси Самарқанд вилоятининг Пайариқ ва Каттакўрғон туманларида, жами 8,5 гектар майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 28 ноябрдаги 04-02/8-1227-сон маълумотномаси). Натижада, майдонларда майсаларни тўлиқ ундириб олиш ва 18,8–19,3 ц/га ҳосил олишни таъминлаш ҳамда тармоқ рентабеллиги 14,1–18,6% ошиши билан бирга атроф-муҳитни ифлослантирмаслик, экологик ҳолатга салбий таъсир кўрсатмаслик имконини берган;

маржумак навларининг сув алмашинув хусусиятлари (барглардаги сув миқдори, транспирация жадаллиги, сув танқислиги)ни аниқлаш орқали навларни етиштиришда мақбул суғориш режими бўйича технологиялар Самарқанд вилояти Пайариқ ва Оқдарё туманларида, жами 6,9 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 25 ноябрдаги 02/021-3855-сон маълумотномаси). Натижада, бу технология сув ресурсларини 13,3–15,2% тежаш имконини берган;

маржумак навларини етиштириш технологияси Самарқанд вилояти Пайариқ, Каттакўрғон, Жомбой ва Оқдарё туманларида, жами 24,9 гектар майдонга жорий этилган («Ўздонмахсулот» аксиядорлик компаниясининг 2019 йил 5 декабрдаги 7-4-158-2546-сон маълумотномаси). Натижада, ун чиқимини баҳолаш мақсадида корхонага топширилган 500 кг маржумак донидан 390 кг маржумак уни ва 110 кг қўшимча маҳсулот олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 18 та, жумладан 4 та халқаро, 14 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, шулардан 1 та монография, 1 та тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олгита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Маржумакнинг тарқалиши, физиологик хусусиятлари ва етиштириш бўйича илмий ишлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида маржумакнинг тарқалиши, морфологик ва физиологик хусусиятлари, маржумак етиштириш технологияси соҳасида чет эл, республика олимларининг илмий-тадқиқотлари натижалари таҳлили келтирилган. Маржумак етиштиришда қўлланиладиган маъданли ўғитларнинг меъёрлари, уларнинг таъсирини ошириш ва қўллашнинг самарадорлиги йўналишидаги асосий муаммолар ва уларни ҳал этишдаги ечимлар ёритилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш шароитлари, объектлари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг иклими ва тупроқ шароитлари, ўрганилган маржумак навлари тавсифи, тажрибаларда қўлланилган услублар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотлар ўтказилган Пайариқ тумани ҳудуди Зарафшон дарёсининг тармоғи Оқдарё дарёсининг ўнг қирғоғи яқинида жойлашган. Бу ҳудудда апрелдан то сентябрнинг охиригача кузатиладиган иқлим шароитлари маржумакнинг ўсиши ва ривожланиши учун қулай. Кўп йиллик маълумотларга асосан, вегетация даврида ҳавонинг ўртача ҳарорати 19,6-21,8⁰С га тўғри келади. Аммо бу муддатларда ҳар бир ойнинг иқлим шароити бир-биридан фарқ қилади. Асосий экин сифатида маржумакни апрелда экиш уруғларнинг униши ва ўсиш жараёнлари учун энг қулай муддат ҳисобланади.

Кўп йиллик маълумотларга асосан сентябрь ойида ўсимликларнинг вегетация жараёни давом этади. Бу даврда максимал ҳарорат 25-30⁰С дан ошмайди, минимал ҳарорат 10-12⁰С дан пастга тушмайди. Бу эса анғизда

экилган маржумак ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил элементларининг шаклланиши учун қулай.

Дала тажрибалари кўп йиллар давомида ғўза билан банд бўлган, эскидан суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлар шароитида ўтказилган.

Лаборатория ва дала тажрибаларида маржумакнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда физиологик кўрсаткичлари умумқабул қилинган услублар ёрдамида ўрганилган.

Барча дала тажрибаларида вариантлар тўрт қайтариқли қилиб, икки ярусда изчиллик асосида жойлаштирилган. Пайкалларнинг умумий юзаси 120 м², ҳисобга олинадиган юзаси 60 м². Ёзда ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экин сифатида – маржумак уруғлари кенг қаторлаб, қатор ораси 60 см қилиб экилган.

Дала шароитида ўсимликларнинг физиологик кўрсаткичларига ва ҳосилдорлигига маъданли ўғитлар, суғориш режими, қатор орасига ишлов бериш, уруғларга кимёвий ишлов бериш, экиш муддати ва меъёрларининг таъсирига оид тажрибалар ўтказилган.

Тадқиқотлар давомида уруғларнинг лаборатория ва дала унувчанлиги, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, фотосинтетик фаолияти (барг сатҳи, пигментлар миқдори, курук модданинг тўпланиши, фотосинтез соф маҳсулдорлиги), сув алмашинув хусусиятлари (транспирация жадаллиги, барглардаги сув миқдори, барглардаги сув танқислиги), ривожланиш фазалари, ўсув даври, ҳосилдорлик, ҳосил таркиби, 1000 та доннинг массаси, доннинг қобикчилиги, уруғлик чикими, доннинг кимёвий таркиби аниқланган.

Лаборатория тадқиқотларида баҳорда етиштирилган маржумак уруғларининг униш қуввати ва унувчанлигига ҳароратнинг таъсири тадқиқ қилинган, бундан ташқари уруғларнинг тиним даври, сақлаш муддатлари ҳам ўрганилган. Уруғларнинг униш қуввати ва унувчанлигини тадқиқ қилишда уруғлар Петри косачаларига намланган филтёр қоғози устига жойлаштирилган ва термостатда 10, 15, 20, 25, 30⁰С да ўстирилган.

Баҳорда асосий экин сифатида етиштирилган маржумак навлари уруғларининг тиним даврини аниқлаш учун ҳосили йиғиштирилгандан кейин 3, 5, 7, 10, 13-кунлар ўтгач, уларнинг униш қуввати ва унувчанлиги термостатда 20⁰С да ўрганилган.

Маржумак навларининг ҳосили йиғиштирилгач, бир йилдан ўн йилгача сақланган, шу билан бирга баҳорда етиштирилган ҳосилдан олинган уруғларнинг униш қуввати ва унувчанлиги аниқланган.


Лаборатория шароитида уруғларнинг униш қуввати ва унувчанлигини аниқлаш билан биргаликда, дала шароитида кичик пайкалларда (2 м²) уруғларнинг унувчанлигига экиш чуқурлигининг (1 см дан то 12 см гача) таъсири тадқиқ қилинган. Илмий тадқиқотларда олинган натижаларни статистик таҳлил қилиш Б.А.Доспехов бўйича «Microsoft Excel» дастури асосида амалга оширилган.

Диссертациянинг «**Маржумак навларининг фотосинтетик фаолиятига маъданли ўғитлар меъёрининг таъсири**» деб номланган

учинчи бобда маржумак навларининг фотосинтетик фаолияти, барг сатҳининг динамикаси, куруқ масса тўплаш динамикаси, ривожланиш фазаларида пигментлар миқдорининг ўзгариши, маржумак навларининг фотосинтез соф маҳсулдорлигига оид маълумотлар баён қилинган.

Барг сатҳи маржумак навларининг биологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда маъданли ўғитлар таъсирида сезиларли даражада ўзгариши аниқланган. Бундай ўзгаришлар барча ривожланиш фазаларида навлар ўртасида камроқ, маъданли ўғит меъёрларида эса сезиларли даражада кўпроқ бўлган. Маржумакнинг ҳар иккала навида тадқиқотлар ўтказилган барча фазаларда маъданли ўғитлар меъёрининг ортиб бориши билан барг сатҳи ортиб борган.

Маржумак навлари барг сатҳининг маъданли ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда ўзгариши статистик таҳлил қилинганда, боғлиқлик йўналишига кўра тўғри чизикли бўлиб, регрессия тенгламаси $y = 115,0 + 95,64x$ ва корреляция коэффиценти $r = 0,97$ га тенглиги, яъни ўғит меъёри ортиб бориши билан барг сатҳи кенгайиб бориши статистик жиҳатдан исботланган (1-расм).



Вегетация охирида ўсимликларнинг барг сатҳи маъданли ўғитлар меъёрининг ортиб бориши билан кўпроқ камайганлиги, ўз навбатида Крупинка нави ўғитларга таъсирчанлиги ва вегетация охирида Қозон навига нисбатан барг сатҳи бироз камроқ камайиши аниқланган.

Ўсимликда тўпланган куруқ масса унинг муҳим физиологик кўрсаткичлардан ҳисобланади ва унинг тўпланиш даражасига қараб, ўсимликда кечадиган физиологик жараёнларга баҳо бериш мумкин бўлади.

Маржумак навларининг куруқ масса тўплаши ривожланиш фазаларида динамик тарзда ортиб бориши ва вегетация охирида (ҳосилни йиғиштиришдан олдин) ҳар иккала навда максимал кўрсаткични намоён этиши аниқланган. Шу билан биргаликда ўғит меъёрининг ортиб бориши билан куруқ масса кўп тўпланиши ҳамда уни Қозон навига нисбатан Крупинка навида юқорилиги аниқланган (1-жадвал).

1-жадвал

Маржумак навларининг ривожланиш фазалари бўйича куруқ масса тўплашига маъданли ўғит меъёрларининг таъсири, г/туп (2015-2017 йй.)

Тажриба вариантлари	Аниқлаш муддатлари					
	чинбарг	ғунчалаш	гуллаш	дастлабки доннинг пишиши	50% доннинг пишиши	вегетация охирида
Қозон нави						
Назорат-ўғитсиз	1,02±0,02	1,63±0,03	2,39±0,07	3,24±0,06	4,46±0,09	5,2±0,06
P ₉₀ K ₆₀ (фон)	1,12±0,03	1,94±0,06	2,95±0,06	3,90±0,06	5,22±0,07	6,1±0,10
Фон+N ₉₀	1,31±0,03	2,74±0,11	4,43±0,10	6,29±0,07	9,14±0,15	10,8±0,13
Фон+N ₁₂₀	1,32±0,03	2,96±0,06	5,03±0,07	7,57±0,08	10,65±0,11	12,9±0,11
Фон+N ₁₅₀	1,32±0,02	3,01±0,07	5,22±0,08	7,87±0,11	10,95±0,16	13,2±0,11
Фон+N ₁₈₀	1,32±0,03	3,06±0,07	5,44±0,09	8,13±0,15	11,17±0,17	13,4±0,13
Крупинка нави						
Назорат-ўғитсиз	1,00±0,03	1,59±0,04	2,32±0,03	3,16±0,07	4,37±0,08	5,1±0,07
P ₉₀ K ₆₀ (фон)	1,07±0,04	1,90±0,05	2,92±0,06	3,88±0,10	5,25±0,07	6,2±0,08
Фон+N ₉₀	1,24±0,02	2,68±0,06	4,66±0,07	6,71±0,08	9,86±0,09	11,7±0,11
Фон+N ₁₂₀	1,24±0,02	2,89±0,06	5,20±0,07	7,84±0,11	11,54±0,19	14,0±0,12
Фон+N ₁₅₀	1,25±0,02	2,95±0,06	5,38±0,08	8,07±0,09	11,79±0,09	14,3±0,12
Фон+N ₁₈₀	1,25±0,02	3,01±0,05	5,57±0,07	8,44±0,10	12,11±0,16	14,6±0,14

Маржумак навларида маъданли ўғитлар меъёрларига боғлиқ ҳолда куруқ массанинг тўпланиши статистик таҳлил қилинганда, боғлиқлик йўналишига кўра тўғри чизикли бўлиб, регрессия тенгламаси $y=3,57+2,12x$ ва корреляция коэффиценти $r=0,93$ га тенглиги, яъни ўғит меъёри ортиб бориши билан куруқ масса кўп тўпланиши статистик жиҳатдан исботланган.

Ўсимликлар баргида учрайдиган пигментлар фотосинтез жараёнида асосий роль ўйнайди. Самарқанд вилояти шароитида етиштирилаётган маржумак навлари баргларида пластид пигментлар миқдори ва каротиноидларнинг ҳосил бўлиш динамикаси навларнинг биологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда вегетация давомида ўзгариб бориши аниқланган.

Хлорофилл “а” миқдори хлорофилл “б” га нисбатан кўп бўлиб, уларнинг умумий миқдори ўсимликнинг биологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда вегетациянинг турли даврларида турлича бўлиши аниқланган. Қозон нави вегетациясининг дастлабки ривожланиш фазаси, яъни чинбарглар ҳосил қилган даврда хлорофиллнинг умумий миқдори назорат-ўғитсиз вариантда 0,81 мг/г га тенг бўлиб, тажриба вариантларида 1,28 мг/г гача ортиб борганлиги аниқланган (2-жадвал).

Худди шундай ҳолат барча ривожланиш фазаларида қайд қилинган. Аммо, азотли ўғит меъёрининг 120 кг/га дан ортишида ўсимликнинг гуллаш, дастлабки доннинг пишиш даврига келиб пластид пигментлар миқдори камайиши аниқланган. Қозон нави ўсимликларининг гуллаш, дастлабки

Қозон маржумак нави ўсимликларида ривожланиш фазалари бўйича баргдаги пластид пигментлар
микдори (мг/г)

Тажриба вариантлари	Фазалар	Хлорофиллар		Каротиноидлар	$\frac{\text{Хл.а}}{\text{Хл.б}}$	Хл.а+Хл.б	$\frac{\text{Хл.а} + \text{Хл.б}}{\text{Каротиноидлар}}$
		а	б				
Назорат-ўғитсиз	чинбарг	0,81±0,08	0,78±0,06	0,23±0,01	1,03	1,59	6,91
P ₉₀ K ₆₀ (фон)		0,97±0,09	0,86±0,07	0,28±0,02	1,13	1,83	6,53
Фон+N ₉₀		1,26±0,09	0,98±0,07	0,40±0,03	1,28	2,24	5,60
Фон+N ₁₂₀		1,27±0,10	0,98±0,09	0,41±0,03	1,29	2,25	5,49
Фон+N ₁₅₀		1,27±0,11	1,02±0,09	0,43±0,04	1,24	2,29	5,32
Фон+N ₁₈₀	1,28±0,09	1,04±0,10	0,44±0,04	1,23	2,32	5,27	
Назорат-ўғитсиз	ғунчалаш	1,02±0,07	0,84±0,07	0,30±0,02	1,21	1,86	6,20
P ₉₀ K ₆₀ (фон)		1,19±0,08	0,96±0,08	0,37±0,03	1,24	2,15	5,81
Фон+N ₉₀		1,30±0,09	1,01±0,09	0,42±0,03	1,29	2,31	5,50
Фон+N ₁₂₀		1,52±0,10	1,13±0,10	0,48±0,03	1,34	2,65	5,52
Фон+N ₁₅₀		1,65±0,11	1,28±0,11	0,53±0,04	1,29	2,93	5,53
Фон+N ₁₈₀	1,68±0,10	1,33±0,09	0,55±0,04	1,26	3,01	5,47	
Назорат-ўғитсиз	гуллаш	1,21±0,09	1,02±0,08	0,39±0,02	1,19	2,23	2,75
P ₉₀ K ₆₀ (фон)		1,29±0,08	1,04±0,09	0,41±0,03	1,24	2,33	5,68
Фон+N ₉₀		1,46±0,11	1,06±0,08	0,52±0,04	1,38	2,52	4,85
Фон+N ₁₂₀		1,52±0,12	1,08±0,08	0,57±0,05	1,41	2,60	4,56
Фон+N ₁₅₀		1,48±0,09	1,10±0,10	0,56±0,04	1,34	2,58	4,61
Фон+N ₁₈₀	1,39±0,10	1,15±0,09	0,54±0,03	1,21	2,54	4,70	
Назорат-ўғитсиз	дастлабки доннинг пишиши	0,79±0,06	0,24±0,01	0,25±0,02	3,29	1,03	4,12
P ₉₀ K ₆₀ (фон)		0,96±0,08	0,43±0,02	0,28±0,02	2,23	1,39	4,96
Фон+N ₉₀		1,36±0,09	0,59±0,04	0,41±0,03	2,30	1,95	4,76
Фон+N ₁₂₀		1,81±0,10	1,03±0,07	0,49±0,04	1,76	2,84	5,79
Фон+N ₁₅₀		1,73±0,11	0,86±0,06	0,46±0,03	2,01	2,59	5,63
Фон+N ₁₈₀	1,22±0,09	0,45±0,03	0,33±0,02	2,71	1,67	5,06	

**Крупинка маржумак нави ўсимликларида ривожланиш фазалари бўйича баргдаги пластид пигментлар
микдори (мг/г)**


Тажриба вариантлари	Фазалар	Хлорофилл		Каротиноидлар	$\frac{\text{Хл.а}}{\text{Хл.б}}$	Хл.а+Хл.б	$\frac{\text{Хл.а} + \text{Хл.б}}{\text{Каротиноидлар}}$
		а	б				
Назорат-ўғитсиз	чинбарг	0,78±0,05	0,69±0,04	0,22±0,01	1,13	1,47	6,68
P ₉₀ K ₆₀ (фон)		0,95±0,07	0,83±0,06	0,27±0,02	1,14	1,78	6,59
Фон+N ₉₀		1,24±0,09	0,97±0,07	0,37±0,02	1,28	2,21	5,97
Фон+N ₁₂₀		1,26±0,08	1,01±0,09	0,41±0,03	1,25	2,27	5,54
Фон+N ₁₅₀		1,27±0,10	1,02±0,09	0,43±0,03	1,24	2,29	5,32
Фон+N ₁₈₀	1,28±0,09	1,05±0,10	0,45±0,04	1,22	2,33	5,18	
Назорат-ўғитсиз	гунчалаш	0,99±0,07	0,81±0,06	0,28±0,02	1,22	1,80	6,43
P ₉₀ K ₆₀ (фон)		1,21±0,09	0,97±0,07	0,39±0,03	1,25	2,18	5,59
Фон+N ₉₀		1,33±0,10	1,04±0,08	0,45±0,03	1,28	2,37	5,27
Фон+N ₁₂₀		1,58±0,11	1,17±0,08	0,54±0,04	1,35	2,75	5,09
Фон+N ₁₅₀		1,71±0,13	1,33±0,09	0,57±0,04	1,29	3,04	5,33
Фон+N ₁₈₀	1,74±0,14	1,37±0,09	0,58±0,05	1,27	3,11	5,36	
Назорат-ўғитсиз	гуллаш	1,16±0,09	0,95±0,08	0,37±0,02	1,22	2,11	5,70
P ₉₀ K ₆₀ (фон)		1,33±0,08	1,06±0,09	0,45±0,03	1,25	2,39	5,31
Фон+N ₉₀		1,49±0,10	1,08±0,09	0,53±0,04	1,38	2,57	4,85
Фон+N ₁₂₀		1,78±0,12	1,20±0,11	0,59±0,05	1,48	2,98	5,05
Фон+N ₁₅₀		2,02±0,14	1,71±0,13	0,62±0,05	1,18	3,73	6,02
Фон+N ₁₈₀	1,97±0,15	1,57±0,12	0,60±0,04	1,25	3,54	5,90	
Назорат-ўғитсиз	дастлабки доннинг пишиши	0,73±0,04	0,38±0,02	0,23±0,01	1,92	1,11	4,83
P ₉₀ K ₆₀ (фон)		1,14±0,09	0,47±0,03	0,31±0,02	2,42	1,61	5,19
Фон+N ₉₀		1,47±0,11	1,01±0,08	0,45±0,03	1,46	2,48	5,51
Фон+N ₁₂₀		1,84±0,13	1,04±0,09	0,51±0,04	1,77	2,85	5,59
Фон+N ₁₅₀		1,92±0,14	1,08±0,09	0,53±0,04	1,78	3,00	5,66
Фон+N ₁₈₀	1,36±0,10	0,68±0,04	0,39±0,03	2,00	2,04	5,23	

доннинг пишиш фазаларида хлорофилл “а” ва “б” умумий миқдори азот меъерининг 120 кг/га гача ортиб боришида кўпайиб, азот меъерининг кейинги ортишида эса камайганлиги қайд этилган.

Крупинка нави баргларидаги пластид пигментларининг миқдори бўйича ҳам аналогик маълумотлар олинган (3-жадвал), аммо ривожланишнинг кейинги (гуллаш ва дастлабки донларнинг пишиши) фазаларида азот меъерининг 150 кг/га дан ортишида пигментлар миқдори бироз пасайган. Крупинка нави ўсимликларида ҳам каротиноидларнинг миқдори, шунингдек, хлорофилл “а” миқдори хлорофилл “б” га нисбатан кўп бўлиб, уларнинг умумий миқдори ўсимликнинг биологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда вегетациясининг турли даврларида турлича бўлиши кузатилган.

Маржумак ривожланишининг барча фазаларида Қозон навига нисбатан Крупинка навида хлорофилл “а” ва “б” пигментларининг умумий миқдори ҳамда бир-бирига нисбати, каротиноидлар миқдори ва хлорофилл “а” ва “б” пигментларининг каротиноидларга нисбати ҳам ўғитлар берилган вариантларда қисман юқорилиги ва назорат-ўғитсиз вариантда бироз камроқ бўлиши аниқланган. Маржумакнинг барча ривожланиш фазаларида хлорофилл “а” миқдори хлорофилл “б” га нисбатан кўплиги аниқланган.



Маржумак навлари баргларидаги пластид пигментлар миқдорининг маъдан ўғитлар меъерига боғлиқлиги статистик таҳлил қилинганда, боғлиқлик эгри чизикли бўлиб, регрессия тенгламаси $y = 0,43 + 1,54x - 0,18x^2$ ва корреляция коэффиценти $r=0,95$ га тенглиги, яъни азот меъерини 120-150 кг/га дан оширилишида ҳар иккала маржумак навлари баргларидаги пластид пигментлар миқдори камайиб бориши статистик жиҳатдан исботланган (2-расм).



Фотосинтез соф маҳсулдорлиги (ФСМ) – бу экинзорнинг фотосинтез фаолиятини ифодаловчи муҳим физиологик кўрсаткичлардан ҳисобланиб, ривожланиш фазалари бўйича ва маъданли ўғит меъёрлари таъсирида ўзгариши аниқланган. Маржумак навларида ривожланишининг дастлабки фазаларида фотосинтез соф маҳсулдорлиги юқори бўлиб, ривожланишининг кейинги фазаларида бу кўрсаткич камайиб борган. Бундай қонуният ўрганилган иккала навда ҳам кузатилган. Дастлабки донларнинг пишиш фазасида энг юқори ФСМ Қозон навида Фон+N₁₂₀ вариантыда (10,1 г/м²-сутка)

кузатилса, Крупинка навида бу Фон+N₁₅₀ вариантида 10,4 г/м² суткани ташкил этганлиги аниқланган (3 ва 4-расмлар).

Такрорий экин сифатида етиштирилган маржумак навларида фотосинтез соф махсулдорлиги назорат-ўғитсиз вариантнинг барча ривожланиш фазаларида Қозон навида бироз зиёдроқ бўлиши ва маъданли ўғитлар берилган вариантларда дастлабки ривожланиш фазасида Қозон навида, кейинги ривожланиш фазаларида эса Крупинка навида юқори бўлиши аниқланган.



Диссертациянинг «Маржумак сув алмашинув хусусиятларининг маъданли ўғитлар меъёрларига боғлиқлиги» деб номлаган тўртинчи бобида маржумак навларининг сув алмашинув хусусиятлари, баргларидаги сув миқдори, транспирация жадаллиги ва сув танқислигига оид маълумотлар баён қилинган.

Маржумакнинг сув режимини ўрганиш уларнинг экологик хусусиятларини, муҳитнинг турли омилларига физиологик мослашишини аниқлаш ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишда муҳим ҳисобланади.

Барглардаги сув миқдори эрталабки вақтлардан то соат 14 гача камайиб, сўнгра кечги вақтларгача сув миқдори яна ортиб бориши аниқланган, бу қонуният барча вариантларда ва фазаларда кузатилган. Сув миқдорининг энг камайган вақти соат 14 га тўғри келганлиги (78,45-79,83%) аниқланган. Чинбарг фазасида кунлик ўртача сув миқдори 83,97-81,89% ҳамда кунлик ўзгариш диапозони 5,54-6,80 бўлиши ҳисобга олинган. Ғунчалаш фазасида маржумак баргларидаги сув миқдори чинбарг фазасига нисбатан бироз пасайганлиги, яъни эрталабки вақтларда вариантлар бўйича 83,12-85,56% бўлса, соат 14 да энг кам бўлиб, 78,13-79,32% бўлиши аниқланган. Бу фазада кунлик ўртача сув миқдори вариантларга мос ҳолда 80,92-83,00% бўлганлиги ва кунлик ўзгариш диапозони 4,99-6,24 га тенглиги қайд этилган.



Гуллаш фазасида маржумак баргларида сув миқдори энг кўп бўлиши, соат 6 да 89,56-87,52%, ҳарорат юқори бўлган соат 14 да эса вариантларга мос ҳолда 81,26-82,41% бўлиши ва қолган вақтларда оралиқ ўринни эгаллаганлиги қайд қилинган. Гуллаш фазасида барглардаги сувнинг кунлик ўртача миқдори энг кўп бўлиши назорат-ўғитсиз вариантда кузатилиб, 86,45% бўлса, Фон+N₁₂₀ вариантда 84,52%га тенглиги аниқланган. Барглардаги сувнинг кунлик ўзгариш диапозонининг юқори кўрсаткичи гуллаш фазасида ва вариантларга мос ҳолда 7,15-6,26 бўлиши ҳамда қолган вариантлар оралиқ ўринни эгаллаши аниқланган.

Дастлабки доннинг пишиш фазасида маржумак баргларидаги сув миқдори гуллаш фазасига нисбатан камайганлиги кузатилган. Бу фазада ҳам умумий қонуният кузатилган, яъни эрталабки вақтларда соат 6 да барглардаги сув миқдори кўп, вариантлар бўйича 84,62%дан 82,41%гача, ҳаво ҳароратининг кўтарилиб бориши билан баргалардаги сув миқдори камайиб борган, яъни энг кам сув миқдори соат 14 да кузатилган ва вариантларга мос ҳолда 78,93%дан 77,93%гача бўлиши аниқланган. Барглардаги сув миқдори кунлик ўртача 84,88%дан 80,05%гача ўзгариши қайд этилган. Барглардаги сувнинг кунлик ўзгариш диапозони вариантлар бўйича 5,69 – 4,48 оралиғида бўлиши кузатилган.

Қозон навида кузатилган қонуниятлар Крупинка навида ҳам қайд этилган. Қозон навида нисбатан Крупинка навининг баргларида сувнинг миқдори бироз зиёдрок сақланиши аниқланган.

Қозон навининг чинбарг фазасида транспирация жадаллиги соат 14 да энг юқори бўлиши (448,41-490,45 г/м² соат) аниқланган. Энг суст транспирация жадаллиги эрталабки соатларда кузатилиб, 156,05-178,34 г/м² соатгача бўлиши аниқланган. Қозон навининг энг юқори транспирация жадаллиги назорат-ўғитсиз вариантда ғунчалаш фазасида соат 14 да кузатилиб, 509,55 г/м² соатга тенглиги ва энг кам транспирация эса соат 18 да кузатилиши ҳамда Фон+N₁₂₀ вариантда 171,97 г/м² соатга тенглиги қайд этилган. Маржумакда энг юқори транспирация жадаллиги гуллаш фазасида кузатилган (5 ва 6-расмлар).

Дастлабки донларнинг пишиш фазасида транспирация жадаллиги бироз пасайган, аммо бу вақтда ҳам жадал транспирация соат 14 да назорат-ўғитсиз вариантда (490,45 г/м² соат) бўлиши, бу фазада суст транспирация эрталабки соатларда Фон+N₁₂₀ вариантда (152,87 г/м² соат) бўлиши қайд қилинган. Худди шундай ҳолат Крупинка нави бўйича ҳам кузатилган.



Ўрганилган ҳар иккала навда ҳам транспирация жадаллиги ривожланиш фазалари бўйича ортиб бориб, дастлабки доннинг пишиш фазасига келиб камайганлиги, шу билан бирга транспирация жадаллиги кун давомида ҳам ўзгариши аниқланган. Транспирация жадаллигининг кун давомидаги энг юқори кўрсаткичи ўрганилган ҳар иккала навда ҳам соат 14 да кузатилган,

қўлланилган ўғит меъёрлари таъсирида транспирация жадаллиги ўзгариб, энг юқори кўрсаткичлар ўсимликнинг чинбарглик фазасида Қозон навида Фон+N₁₂₀ вариантыда бўлса, Крупинка навида устунлик Фон+N₁₅₀ вариантыда кузатилган.

Барча фаза ва вариантларда ҳамда куннинг барча даврида Қозон навида нисбатан Крупинка навининг транспирация жадаллиги бироз кам бўлиши аниқланган.

Маълумки, тўқималарда сув микдорининг камайиши ўсимликлар танасида борадиган асосий физиологик ва биокимёвий жараёнларнинг сустлашишига сабаб бўлади.

Аниқланишича, ўсимликнинг сув танқислиги асосан кундузги соатларда ҳаво ҳароратининг кўтарилиши натижасида рўй беради. Маржумак навлари баргларидаги сув танқислиги ўсимликнинг ривожланиш фазалари, қўлланилган ўғитлар меъёри ҳамда кун давомида ўзгариши, шу билан бирга навларнинг биологик хусусиятига кўра фарқланиши аниқланган.

Ҳар иккала навда ҳам сув танқислигининг энг юқори кўрсаткичи гуллаш фазасида, шунингдек, кундузги соат 14 да қайд этилган. Жумладан, Қозон навида гуллаш фазасида сув танқислиги вариантлар бўйича эрталабки соат 8 да 12,44-14,76%ни ташкил этган бўлса, соат 14 да 18,23-22,24% атрофида бўлганлиги аниқланган. Крупинка навида эса кўрсаткичлар 12,17-14,02 ва 17,23-20,68%ни ташкил этиб, Қозон навида нисбатан сув танқислиги камроқ бўлиши келтирилган.

Маъданли ўғитлар таъсирида ҳам сув танқислиги нисбатан ортиб борган бўлсада, Қозон навида энг кам сув танқислиги Фон+N₁₂₀ вариантда, Крупинка навида эса Фон+N₁₅₀ вариантда кузатилган.

Диссертациянинг «**Зарафшон водийси шароитида маржумак навларининг ўсиши, ривожланиши ва маҳсулдорлиги**» деб номланган бешинчи бобида маржумак навларининг ўсиши, ривожланиши ва вегетация даврининг маъданли ўғитларга боғлиқ ҳолда ўзгариши, биометрик кўрсаткичлари, ҳосилдорлигига маъданли ўғитларнинг таъсири, донларининг биокимёвий таркиби, суғориш меъёрлари, қатор ораларига ишлов бериш, экиш муддати ва меъерининг таъсири тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Маржумак навларида ўсимлик бўйи нав хусусиятига, ривожланиш фазаларига ҳамда қўлланилган ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда ўзгариб бориши аниқланган. Ўрганилган ҳар иккала навда ҳам ўсимликларнинг энг жадал ўсиши униб чиққандан 28-42-кунлари кузатилиб, ўғит меъёрлари ортиб бориши билан ўсимликлар бўйининг баланд бўлиши, вегетация охирида вариантлар бўйича Қозон навида 54,7-109,2 см, Крупинка навида 56,7-119,3 см ни ташкил этиши қайд қилинган.

Ўсимликларнинг вегетация даври давомийлиги нав хусусияти ва қўлланилган ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда ўзгариб, Қозон навида вариантлар бўйича 66-79 кун, Крупинка навида 68-85 кунни ташкил этиб, ўғит меъёрлари ортиб бориши билан Қозон навида ўсув даври 4-13 кунга, Крупинка навида 8-17 кунга узайганлиги аниқланган.

Маржумак навларининг биометрик кўрсаткичлари маъданли ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда ўзгариб борган. Ҳосилни йиғиштиришдан олдин 1 м² даги ўсимликлар Қозон навининг назорат-ўғитсиз вариантыда 77,6 дона, Крупинка навида эса 73,8 дона бўлиб, вегетация охиригача 1 м² да сақланиб қолган ўсимликлар сони маъданли ўғитларга боғлиқ ҳолда ўзгариши ва ўғит меъёрининг ортиб бориши билан сақланган ўсимликлар сонининг ортиши аниқланган. Қозон нави ўсимликлари Крупинка навига нисбатан кўпроқ сақланиши қайд қилинган. Қозон навида ўғит меъёрига боғлиқ ҳолда шохлар сони 3,4-8,4 дона, тўпгуллар сони 11,9-33,4 та, донлар сони 119,9-196,9 та, Крупинка навида эса тегишлича 4,1-9,1; 13,0-36,3; 114,6-213,6 бўлиши аниқланган. Маъданли ўғит меъёрларининг ортиб бориши билан ўсимликнинг биометрик кўрсаткичлари ортиб борган (4-жадвал).

4-жадвал

Такрорий экин сифатида етиштирилган маржумак навларининг биометрик кўрсаткичларига маъданли ўғитларнинг таъсири, (2015-2017 йй.)

Тажриба вариантлари	Ўсимлик бўйи, см	1 та ўсимликдаги ҳосил элементлари, дона					1000 та дон массаси, г
		шохлар сони	тўпгуллар сони	дон			
				тўла дон	пуч дон	жамн	
Қозон нави							
Назорат-ўғитсиз	54,7±1,63	3,4±0,44	11,9±0,57	95,4±1,82	24,5±1,47	119,9±1,66	29,1±0,34
R ₉₀ K ₆₀ (фон)	71,8±1,47	4,9±0,34	17,4±0,59	132,2±1,83	21,5±1,55	153,7±1,69	29,6±0,29
Фон+N ₉₀	88,9±1,80	7,1±0,33	26,6±0,62	166,8±1,49	18,6±1,15	185,4±1,93	30,5±0,38
Фон+N ₁₂₀	98,4±1,42	7,4±0,55	28,8±0,62	172,3±2,44	15,8±1,27	188,1±2,89	31,1±0,37
Фон+N ₁₅₀	103,1±1,70	7,9±0,34	30,7±0,98	177,4±2,38	16,1±1,21	193,5±2,61	31,2±0,36
Фон+N ₁₈₀	109,2±1,96	8,4±0,33	33,4±0,95	180,3±2,01	16,6±1,27	196,9±2,40	31,2±0,39
Крупинка нави							
Назорат-ўғитсиз	56,7±1,85	4,1±0,31	13,0±0,70	90,4±1,73	24,2±1,50	114,6±2,21	26,0±0,34
R ₉₀ K ₆₀ (фон)	74,5±1,71	5,3±0,41	17,8±0,60	137,6±1,09	23,2±1,67	160,8±2,04	26,3±0,35
Фон+N ₉₀	94,3±1,80	7,4±0,43	28,7±0,68	185,6±1,22	18,7±1,77	204,3±2,30	27,1±0,36
Фон+N ₁₂₀	104,9±1,75	8,2±0,39	31,4±0,94	190,4±1,59	15,8±1,87	206,2±2,50	27,7±0,30
Фон+N ₁₅₀	113,4±1,68	8,7±0,41	34,8±1,23	195,3±1,76	14,4±1,49	209,7±2,35	28,1±0,37
Фон+N ₁₈₀	119,3±1,84	9,1±0,39	36,3±1,14	197,8±1,59	15,8±1,48	213,6±2,33	28,1±0,29

